Published on *insonvaqonun.uz* (http://insonvaqonun.uz)



08.11.2019



**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли бўлинма шахсий таркиби жанговар тайёргарлик ўқув режасига кўра, Навоий вилоятида жойлашган “Қулқудуқ” ҳаво-ер ҳарбий полигонида ҳаво ҳужумига қарши ракетани амалда муваффақиятли қўллади.**

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округдан марш давомида шахсий таркиб муайян оралиқ вақтлар мобайнида жанговар техникаларни техник назорат кўригидан ўтказиш, уларга ёнилғи қуйиш, шунингдек, халқаро ва магистрал йўллар, шаҳар ҳамда аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда ҳаракатланиш чоғида барча хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда “Қулқудуқ” ҳаво-ер полигонига келиб ўрнашди.

Ҳарбий хизматчилар “Қулқудуқ” полигонида жанговар техникаларни белгиланган тартибда хавфсиз, функционал позицияларда жойлаштирди. Юқори қўмондонлик ўртасида ва ички тартибда ўзаро алоқа ўрнатилди. “Осмон ҳимоячилари”нинг мазкур жанговар ўқув-машғулотда қўйилган вазифани аъло даражада бажариши учун барча зарур моддий-техник воситалар таъминоти ташкиллаштирилди.

Жанговар шай ҳолатга келтирилган зенит-ракета мажмуалари ишга туширилди: дастлаб, ҳарбий авиация орқали яқин масофадаги нишон ҳавога қўйиб юборилди. Ҳаводаги жисм ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотларга таянган ҳолда, ракета жанговар ҳолатда отилди. Нишон қисқа вақт ичида бехато уриб туширилди; шундан сўнг, узоқ масофадаги нишонларни уриб туширишга мўлжалланган зенит-ракета мажмуаси ўз “иш”ини бошлади! Ҳавога шартли душман – учувчисиз учиш аппарати учирилди.

Шахсий таркиб бошқарув ва қўмондонлик пунктида узоқ масофадаги нишоннинг оралиқ масофаси, ҳаракати ва тезлигини аниқлаб, кузатувга олди. Сўнгра юқори қўмондонликнинг “Нишон йўқ қилинсин!” буйруғига биноан ҳаво-ер ракетаси жанговар отиш ҳолатида нишон томонга йўналиш олди. Саноқли сонияларда шартли душман учиш аппарати буткул зарарсизлантирилди.

Қўйилган жанговар вазифа аъло даражада бажарилди.

**Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти**

59 Чоп этиш [1] PDF [2]

## Сўнгги янгиликлар:

- Пинҳона уланган тармоқ охир-оқибат фош этилди (2019 йил, 45 сон) [3]
- Вояга етмаганлар нега жиноятга қўл урмоқда? (2019 йил, 45 сон) [4]
- Ҳаётнинг ёрқин ранглари кўп уни кўра билиш учун буюк қалб керак (2019 йил, 45 сон) [5]
- Оила, маҳалла, давлат бу тушунчалар бир-биридан айро эмас [6]
- Тилимизни таназзулдан асрайлик! (2019 йил, 45 сон) [7]
- Тадбиркорларга кўрсатилаётган хизмат турлари кенгайтирилмоқда (2019 йил, 45 сон) [8]
- Қулайлик: хизмат ходими ҳам баҳоланади (2019 йил, 45 сон) [9]
- Ҳуқуқий мадад — ҳаммага, ҳар доим, ҳамма жойда! (2019 йил, 45 сон) [10]
- Ҳуқуқий тарғибот. Сайлов жараёнида фаол иштирокни таъминлайди (2019 йил, 45 сон) [11]
- Ўзбекистон норма ижодкорлигида баҳолаш услубиётини жорий қилишнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили [12]

---

**Source URL:** http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/5083

**Ссылки**
[1] http://insonvaqonun.uz/print/5083
[2] http://insonvaqonun.uz/printpdf/5083
[3] http://insonvaqonun.uz/node/5111
[4] http://insonvaqonun.uz/node/5110
[5] http://insonvaqonun.uz/node/5109
[6] http://insonvaqonun.uz/node/5108
[7] http://insonvaqonun.uz/node/5106
[8] http://insonvaqonun.uz/node/5105
[9] http://insonvaqonun.uz/node/5104
[10] http://insonvaqonun.uz/node/5102
[11] http://insonvaqonun.uz/node/5100
[12] http://insonvaqonun.uz/node/5098